

Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик ШАРТНОМАСИ

Тошкент шаҳри

03.12.2020

Бир томондан, кейинги ўринларда “Давлат шериги” деб аталувчи — Ўзбекистон Республикаси, номидан Соғлиқни Сақлаш вазирлиги, Иккинчи томондан, кейинги ўринларда “Хусусий шерик” деб аталувчи “Алянс” Масъулияти чекланган жамияти, Соғлиқни соҳасида қуйидаги давлат-хусусий шериклик шартномасини тузади.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1. Шартнома предмети Тарафлар томонидан давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш ҳисобланади.

2. Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш натижаси ва шунга мувофиқ ушбу Шартнома қуйидагилар: объектнинг ижтимоий инфратузилмасини лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, яратиш, жиҳозлаш, модернизация қилиш, молиялаштириш, эксплуатация қилиш ва техник хизмат кўрсатиш. (объект жойлашган жой) Ўзбекистон Республикасига тегишли бўлган ва Шахсий шерик томонидан қуйидаги тадбирларни амалга ошириш учун давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга оширишда кўзда тутилган мол-мулкдан (шу жумладан, Шартнома объектдан) фойдаланиш.

II. ШАРТНОМА ОБЪЕКТИ

3. Мазкур шартнома объекти Давлат шериги — Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Хусусий шерик — Алянс МЧЖнинг биргаликдаги киритган капитали орқали қуриладиган “Авиценна” номли замонавий шифохона тизими (давлат-хусусий шериклик объекти)

III. Асосий тушунчалар

Шартномада қўлланилган асосий тушунчалар рўйхати:

давлат-хусусий шериклик — давлат шериги ва хусусий шерикнинг муайян муддатга юридик жиҳатдан расмийлаштирилган, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун ўз ресурсларини бирлаштиришига асосланган ҳамкорлиги;

давлат шериги — Ўзбекистон Республикаси бўлиб, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ваколат берилган бошқа органлар (ташкilotлар) ёки уларнинг бирлашмалари унинг номидан иш юритади;

хусусий шерик — Ўзбекистон Республикасининг ёки чет давлатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилган, давлат шериги билан давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузган тадбиркорлик фаолияти субъекти ва шундай субъектларнинг бирлашмаси.

давлат-хусусий шериклик объекти — лойиҳалаштирилиши, қурилиши, барпо этилиши, етказиб берилиши, молиялаштирилиши, реконструкция қилиниши, модернизациялаштирилиши, фойдаланилиши ва хизмат кўрсатилиши давлат-хусусий шериклик лойиҳасини рўёбга чиқариш доирасида амалга ошириладиган мол-мулк, мулкый комплекслар, ижтимоий инфратузилма, шунингдек давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш жараёнида жорий этилиши лозим бўлган ишлар (хизматлар) ва инновациялар;

фойдаланганлик учун тўлов — товарларни (ишларни, хизматларни) истеъмол қилувчилардан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга мувофиқ давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш доирасида хусусий шерик томонидан йиғиб олинadиган тўловлар;

IV. ТАРАФЛАРНИНГ ШАРТНОМАДАГИ ИШТИРОКИ ШАКЛЛАРИ

4. Хусусий шерикнинг жорий Шартномада иштирок этиш шакли: Хусусий капитал орқали

5. Давлат шеригининг жорий Шартномада иштирок этиш шакли (шакллари):

Ўзининг ваколатли органи орқали (Соғлиқни сақлаш вазирлиги)

6. Ушбу Шартноманинг 4-бандида назарда тутилган шаклларда Ўзбекистон Республикасининг Шартномада иштирок этиши Ўзбекистон

Республикаси қонунларида белгиланган тартибда ва шартларда амалга оширилади.

7. Хусусий шерикка ушбу Шартномага давлат кўчмас мулки ва (ёки) кўчар мулк, шу жумладан ер участкалари ва эксклюзив ҳуқуқлар тақдим этилган тақдирда, ушбу Шартномага қўшимча равишда ушбу мулкнинг таркиби, унинг тавсифи, шу жумладан техник-иқтисодий кўрсаткичлари кўрсатилган битим тузилади. (мавжудлигида).

8. Томонлар 15 йил ичида амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда Шартноманинг яратилган (реконструкция қилинган) объекти ва унинг фаолияти учун зарур бўлган инфратузилма объектларига жамоат шерикларининг эгалик ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур бўлган ҳаракатларни амалга оширишни ўз зиммаларига оладилар.

Ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш хусусий шерик маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Тасодифий ўлим ёки мулкка тасодифан зарар этказиш хавфи, 03.12.2020 дан 03.12.2035 гача бўлган даврда Хусусий шерикка тегишли бўлади.

V. ЛОЙИҲА ПАСПОРТИ ВА УНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

9. Лойиҳанинг юридик номи: Авиценна кўп тармоқли шифохона тизими

Лойиҳа инвестори (ташаббускори): “Алянс” МЧЖ

Лойиҳани мақсади: Ўзбекистонда аҳоли саломатлигини яхшилаш ҳамда соғлиқни сақлаш тизимини техника жиҳатидан янги поғонага кўтариш.

Лойиҳа учун маблағларнинг тахминий ҳажми ва молиялаштириш манбалари: 5 млрд АҚШ доллари миқдорида Инвестор капитали

Лойиҳани амалга ошириш муддати: 5 йил

Бажарилган ишлар ва лойиҳа-смета ҳужжатлари мавжудлиги тўғрисида маълумот: Шартномага иловада барча ҳужжатлар келтириб ўтилган.

Шартнома объектининг техник-иқтисодий кўрсаткичлари: 98%

Шартнома объектини яратиш (реконструкция қилиш), эксплуатация қилиш муддатлари (тартиби): 5 йил

Шартнома объектдан фойдаланиш муддати (тартиби): 15 йил

Лойиҳа амалга оширилишидан кутилаётган асосий натижалар: Энг чекка ҳудудларда ҳам сифатли тиббий ёрдам тизимининг яратилиши.

VI. Давлат-хусусий шериклик томонларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

10. Давлат шериги ҳуқуқлари:

хусусий шерикдан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим шартлари бажарилишининг бориши тўғрисида ҳисобот сўраш ва олишга;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим шартларининг бажарилишини назорат қилишга ва давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг амалга оширилиши натижаларини баҳолашни амалга оширишга;

қонун ҳужжатларига ва давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим шартларига риоя этилиши юзасидан мониторингни амалга ошириш доирасида аниқланган ҳуқуқбузарликлар бартараф этилишини талаб қилишга;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаси бўйича хусусий шерик айби билан юзага келган зарарларнинг ўрнини қоплашни талаб қилишга;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини тайёрлаш учун маслаҳатчиларни жалб қилиш.

Давлат шериги мажбуриятлари:

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва битим талабларига риоя этиши;

тендер иштирокчиларига тендер ҳужжатларини бериши, уларга тендер ҳужжатлари қоидаларини тушунтириши;

тендер иштирокчиларига давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун мўлжалланилаётган жой ва объект билан танишиб чиқиш учун зарур шароитларни таъминлаши;

фаолиятни амалга ошириш учун мўлжалланган мол-мулкни хусусий шерикка эгаллик қилиш ва (ёки) фойдаланишга бериши;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни амалга ошириш учун зарур бўлган лицензиялар ва рухсатномаларни олишда хусусий шерикка кўмаклашиши;

ваколатли давлат органига давлат-хусусий шериклик тўғрисида тузилган битимларнинг кўчирма нусхаларини, шу жумладан битимларга доир иловаларни, ўзгартишларни ёки қўшимчаларни давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим ёхуд тегишли ўзгартишлар ёки қўшимчалар имзоланган санадан эътиборан йигирма календар кун ичида тақдим этиши;

хусусий шерикнинг давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда назарда тутилган ўз инвестициялари ва даромадларини эркин бошқариш ҳамда тасарруф этиш ёки активларини ва амалга ошираётган фаолиятини бошқариш ҳамда назорат қилишга доир ҳуқуқларини чекламаслиги;

хусусий шерик ёки хусусий шерик жалб этган учинчи шахслар томонидан амалга оширилаётган фаолиятга аралашмаслиги;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ва битимда назарда тутилган жавобгарликни зиммасига олиши шарт.

11. Хусусий шерик ҳуқуқлари:

давлат шеригидан давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун зарур бўлган ва эркин фойдаланиладиган ахборотни олишга;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим шартларини ўзгартириш тўғрисида таклифлар киритишга;

давлат шеригининг айби билан давлат-хусусий шериклик лойиҳаси бўйича юзага келган зарарларнинг ўрни қопланишини талаб қилиш.

Хусусий шерик мажбуриятлари:

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва битим талабларига риоя этиши;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ва битимда назарда тутилган жавобгарликни зиммасига олиши шарт.

Хусусий шерик давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ўзига берилган ер участкасини бошқа юридик ва жисмоний шахсларга ўтказишга ҳақли эмас.

VII. ХАВФЛАРНИНГ ТАҚСИМЛАНИШИ (ФОРС-МАЖОР)

12. Хавфларни давлат шериги ҳамда хусусий шерик ўртасида тақсимлаш тартиби:

Хавф тури	Давлат шериги	Умумий	Хусусий шерик	Тавсия этиладиган ўзгаришлар
Яқиний натижани аниқлаш		✓		
Лойиҳавий хавф			✓	
Технология эскириши ва		✓		

дизайн				
Яширин нуқсон хавфи		✓		
Ер олиш ва кўчириш		✓		
Молиявий риск		✓		
Қурилишга оид хавф (номаълум)		✓		
Қурилишга оид хавф (маълум бўлган)		✓		
Ишга тушуришдаги хавф			✓	
Операцион хавф		✓		
Экологик хавф (эксплуатация билан боғлиқ)		✓		
Самарадорликнинг операцион rischi			✓	
Талабга оид риск		✓		
Бошқа хавфлар		✓		Фуқаролик кодексида белгиланган тартибда ҳал қилинади

VIII. ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ОБЪЕКТИНИНГ ТЕХНИК-ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

12. Кўчар ёки кўчмас мулк (кейинги ўринларда - мулк) объекти, ер участкаси жорий ҳолатининг қисқача тавсифи:

Хусусий шерикка давлат томонидан тақдим этилган ер участкаси қурилиш мақсадларида фойдаланиш учун яроқли.

13. объектга қўйиладиган техник ва функционал талаблар, шунингдек объектнинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари:

Лойиҳанинг техник-иқтисодий параметрлари шартномага келтирилган 1.1-иловада берилган.

14. Муқобил техник ечимларнинг қиёсий хусусиятлари, лойиҳанинг белгиланган қоникарли техник ва функционал хусусиятлари

Лойиҳанинг техник-иқтисодий параметрлари шартномага келтирилган 1.2-иловада берилган.

15. Лойиҳани амалга оширишда давлат тасарруфидаги мулкни ва ер участкаларини объект инфраструктурасига боғлиқ чекловларни ҳисобга олган ҳолда жалб қилиш:

Лойиҳани амалга ошириш учун давлат тасарруфидаги ер участкаси Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг тегишли қарори асосида маҳаллий ҳокимлик томонидан Хусусий шерик номига расмийлаштириб берилади. Инфраструктура билан боғлиқ чекловлар қурилиш ишлари бошлангунига қадар тегишли ҳудуд ҳокимлиги томонидан бартараф этилади.

16. Давлат-хусусий шериклик шартномасида назарда тутиландиган ҳолларда давлат шериги томонидан интеллектуал фаолият натижаларига бўлган мутлақ ҳуқуқларнинг хусусий шерикка ўтказилиши

Бино архитектуравий дизайни ҳамда ландшафт дизайни билан боғлиқ ҳуқуқлар, агарда улар хусусий шерик буюртмасига асосан, тегишли давлат ташкилоти томонидан шакллантириладиган бўлса, бунда уларга бўлган ҳуқуқ қонунда белгиланган тартибда буюртмасчига тегишли бўлади.

17. Лойиҳани амалга оширишнинг асосий босқичларида лойиҳалаш ва тайёргарлик ишларини бажариш заруриятини аниқлаш:

лойиҳалаш ва тайёргарлик ишлари қурилиш бошланишидан камида 3 ой олдин бошланади.

қуриш ва (ёки) реконструкция, реставрация, таъмирлаш, модернизация қилиш (кейинги ўринларда - объектни яратиш);

объектни ишга тушуриш ва техник хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар белгиланган тартибда гуруҳланади.

18. Лойиҳани амалга оширишнинг асосий босқичларини давлат ва хусусий шериклар ўртасида тахминий тақсимлаш:

бунда давлат шериги лойиҳа амалга ошириладиган ҳудуд инфратузилмасини шакллантиришга масъул болади;

хусусий шерик қурилиш ва техник хизмат кўрсатиш ишларини бажаришга масъул болади.

19. Лойиҳанинг атроф-муҳитга таъсири:

19.1. Лойиҳа ичидаги объектнинг атроф муҳитга таъсирни баҳоловчи бошқа объектлар билан алоқаси:

Лойиҳа қонунда белгиланган тартибда экологик экспертизадан ўтказилди ҳамда унинг натижаларига кўра, лойиҳанинг атроф-муҳитга ҳамда бошқа объектларга салбий таъсир кўрсатмаслиги тасдиқланди.

19.2 объектни қуриш ва (ёки) ишга тушуришнинг атроф муҳит ўзгаришига бевосита ёки билвосита таъсири: дарахт ёки бутали ўсимликларни олиб ташлаш:

Лойиҳа амалга ошириладиган ҳудудда 20 туп дарахт мавжуд бўлиб, усбу дарахтларнинг 3дан бир қисми тегишли ташкилот руҳсатини олган ҳолда кеиб ташланади. Қолган дарахтлар бино ҳовлиси таркибида қолиши режалаштирилган. Шунингдек, лойиҳа амалга ошириладиган ҳудудда ҳимоя қилинадиган ҳайвонлар ва ўсимлик турларининг мавжуд эмаслиги тегишли давлат ташкилоти томонидан тасдиқлани ҳамда ҳужжатлар усбу шартномага илова қилинди.

20. Лойиҳа муддати 15 йил, шу жумладан объектни яратиш муддати 5 йил.

Лойиҳани реализация қилинадиган тахминий йил: 5 йил

Лойиҳани амалга ошириш даврини бюджет маблағлари мавжудлиги ва инвестицияларнинг рентабеллиги нуқтаи назаридан асослаш

Усбу асос шартноманинг 1.4-иловасида бериб ўтилди.

21. Танланган техник ечимни ҳисобга олган ҳолда прогноз қилинаётган капитал харажатлар (қўшимча қиймат солиғи билан), миллион сўм / млн 1 доллар

10,375,040,000,000.00 / 1000000000

22. Лойиҳалашдан олдин (инвестиция олдидан), лойиҳа ҳужжатлари, лойиҳанинг капитал харажатларини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар мавжудлигини кўрсатадиган капитал харажатларнинг асосланиши шартномада келтирилган 1.5-иловада бериб ўтилди.

23. Инвестиция босқичида лойиҳани молиялаштириш ҳажми, миллион сўм / миллион доллар:

тайёргарлик ишлари ва дизайни 10,375,040,000 / 1,000,000

24. Инвестиция босқичида лойиҳани молиялаштириш манбалари, миллион сўм / млн доллар:

хусусий шерикнинг ўз маблағлари 7,262,528,000,000 / 700,000,000

хусусий шерик томонидан жалб қилинган кредит маблағлари
3,112,512,000,000 / 300,000,000

бюджет маблағлари, жами 10,375,040,000 / 1,000,000

улардан:

республика 70%

маҳаллий 30%

25. Хусусий шерик томонидан кредит маблағларини жалб қилиш шартлари ва муддатлари:

Хусусий шерикка кредитлар 20 йил муддатга, 16 фоиз миқдорида, кредит шартномасида ҳамда ушбу шартномада келтирилган шартларни бажариш шarti билан берилди.

26. Лойиҳанинг операцион босқичидаги харажатлари, объектни ишга тушуриш ва (ёки) техник хизмат кўрсатишга тўғридан-тўғри харажатларидан ташқари (хом ашё ва материаллар, ёқилғи-энергетика ресурслари, ҳисобланган иш ҳақи ва бошқалар), хусусий шерик томонидан жалб қилинган кредитга хизмат кўрсатиш харажатларини, ва хусусий шерикнинг иш ҳақи, миллион сўм / миллион. доллар:

Жами 1,037,504,000,000 / 100,000,000

27. Операцион харажатларни молиялаштириш манбалари, млн.

сум / млн. доллар:

хусусий шерикнинг ўз маблағлари (фойдаланувчи тўловлари) 2:

Жами 1,037,504,000,000 / 100,000,000

шу жумладан, йиллар бўйича 103,750,400,000 / 10,000,000

бюджет ресурслари:

Жами 2,075,008,000 / 200,000

шу жумладан, йиллар бўйича 207,500,800 / 20,000

28. Республика бюджетидан ва (ёки) маҳаллий бюджетдан молиялаштириш миқдорини кўрсатган ҳолда бюджет маблағларининг умумий миқдори, млн.

сум / млн. доллар .10,375,040,000 / 1,000,000

Шу жумладан:

1 Ўзбек сўмининг АҚШ долларига нисбати давлат-хусусий шериклик лойиҳаси концепцияси тайёрланган сана бўйича берилган.

2 Хусусий шерик томонидан фойдаланувчилар томонидан кўрсатилган хизматлар учун тўловлардан олинган маблағлар
инвестиция босқичида: 50%
операцион босқичида: 30%
инвестицияда хусусий шерик томонидан қилинган харажатларни қоплаш
босқичлар: 20%

29. объектни яратишга сарфланган инвестицияларни қайтариш механизмларини асослаш, шунингдек операцион босқичда харажатларни молиялаштириш

Мазкур кўрсаткичлар шартноманинг 2.1-иловасида берилган.

30. Лойиҳа самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари:

Кўрсаткичлар шартноманинг 2.2-иловасида бериб ўтилган

IX. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТИ ВА ТАРТИБИ

31. Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги шартномани амалга ошириш муддати 15 йил.

32. Хусусий шерикнинг объектни лойиҳалаштириш муддати ёки бундай муддатни белгилаш тартиби (агар талаб этилса) - 6 ой

33. Хусусий шерик томонидан объект куриш муддати 5 йил

34. Хусусий шерик томонидан объектни ишлатиш ва (ёки) техник хизмат кўрсатиш муддати 15 йил.

X. ТЕГИШЛИ ИНФРАСТРУКТУРА ВА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ЛОЙИҲАСИ БЎЙИЧА ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАҚСИМЛАШ ҲАМДА УЛАРНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

35. Хусусий шерик ушбу шартноманинг амал қилиш муддати давомида тегишли инфратузилма ва ДХШ объектларидан белгиланган тартибда бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга.

36. Шартнома муддати тугагандан сўнгёки у муддатидан илгари тугатилган тақдирда хусусий шерик ушбу объектларни баланс эгасига давлат-хусусий шериклик шартномаси шартларига мувофиқ ҳолда қайтариб беришга мажбурдир.

37. Давлат тиббиёт муассасалари барча ашёлари ҳамда техник ҳужжатлари ва ўтказиш акти билан хусусий шерикка берилади ва қайтариб олинади.

ХI. ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ЛОЙИҲАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН ТАЛАБ ҚИЛИНАДИГАН ОБЪЕКТЛАРНИ БЕРИШ ТАРТИБИ ВА ПРОЦЕДУРАЛАРИ

38. Лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган давлат тиббиёт ташкилотларининг ерлари, бинолари ва иншоотлари ёки уларнинг қисмлари, бинолари хусусий шерикга амалдаги давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва асосларда берилади.

ХII. ХУСУСИЙ ШЕРИК ТОМОНИДАН ТОВАРЛАР, ИШЛАР, ХИЗМАТЛАР НАРХЛАРИНИНГ БЕЛГИЛАНИШИ ВА ЎЗГАРТИРИЛИШИ

39. Хусусий шерик давлат-хусусий шериклик шартномаси бўйича кўрсатиладиган ишлар, хизматлар нархларини тендер савдолари асосида ёки тўғридан-тўғри музокаралар натижасида ДХШ шартномасини тузишда белгилайди, бу ҳолда нархлар Давлат шериги билан келишилган ҳолда белгиланади.

40. Давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш жараёнида ишлар, товарлар ва хизматлар нархларининг ўзгариши давлат шериги билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

41. Давлат шериги мазкур шартномада белгиланган, лекин лойиҳа ҳажмига киритилмаган қўшимча ишлар ва хизматларнинг бажарилишини талаб қилиши мумкин ("Лойиҳа ҳажмини ўзгартириш").

ХIII. ИШ ҲАҚИНИ ТЎЛАШ ШАКЛЛАРИ, МИҚДОРЛАРИ, МУДДАТИ, ШАРТЛАРИ, ТАРТИБИ, МАВЖУДЛИК ТЎЛОВЛАРИ, ФОЙДАЛАНУВЧИ ТЎЛОВЛАРИ, ХУСУСИЙ ШЕРИКНИНГ ДАВЛАТ ШЕРИГИГА ТЎЛОВЛАРИ ВА (ЁКИ) БОШҚА ТЎЛОВЛАР, ШУ ЖУМЛАДАН ДАРОМАДЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ

42. Хусусий шерик бажарилган ишни қабул қилиш тўғрисидаги актни (бундан кейин Акт) тузади ва имзо чекиш учун давлат шеригига тақдим этади. Акт олгандан кейин давлат шеригидан даъволар бўлмаса, у давлат шеригига топширилган кундан бошлаб 3 иш кунидан ошмаган муддат ичида

имзоланиши керак. Ушбу муддат ўтгач, Акт давлат шериги томонидан тасдиқланган ҳисобланади.

43. Акт давлат шериги томонидан тасдиқлангандан сўнг, хусусий шерик бажарилган иш учун ҳақ тўлаш учун давлат шеригига ҳисоб-фактурани тақдим этади.

44. Хусусий шерик томонидан амалга оширилган хизматлар учун тўлов давлат шериги томонидан мижозга ҳисоб-китоб қилинган кундан бошлаб 5 банк куни ичида ҳисобот даври учун тўлиқ ҳажмда банк ўтказмаси орқали амалга оширилади.

45. Хусусий шерик барча мажбурий тўловлардан (солиқлардан) кейин ёки фойда бўйича давлат шеригига белгилснган миқдорда фоиз тўлаб боради.

XIV. ЛОЙИҲАЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

46. Лойиҳалаш ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотлар ва лойиҳа ҳужжатлари (объект дизайни учун топширик) экспертизасининг ижобий хулосаси берилади , агар:

таклиф ваколатли органга кўриб чиқиш учун юборилса;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаси ташаббускори томонидан кўриб чиқиш учун давлат шеригига юборилса

давлат-хусусий шериклик лойиҳасида давлат-хусусий шериклик лойиҳаси ташаббускори томонидан объектни лойиҳалаштириш кўзда тутилган бўлса.

XV. ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ШАРТНОМАСИ БЎЙИЧА МАЖБУРИЯТЛАРНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

47. Агар жамоат шериги ёки хусусий шерик ушбу шартномада белгиланган муддат ичида ушбу лойиҳа учун махсус ўрнатилган тегишли бандда кўрсатилган ҳар қандай ёки барча шартларни бажармаган бўлса, кечикиш учун айбдор томон бошқа томонга инвестициянинг ёки сумманинг 50% миқдорида жарима тўлайди.

XVI. ИШОНТИРИШ ВА КАФОЛАТЛАР

48. Шартнома муддати давомида ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини сўзсиз бажариш учун Хусусий шерик Давлат шеригига ушбу Шартномага мувофиқ инвестиция мажбуриятларини бажариш даврига маълум бир лойиҳа учун келишиб олинандиган эквивалент миқдорида банк

кафолатини тақдим этади. Хусусий шерик инвестиция мажбуриятларини бажарилишини кафолатламагунча, иш кафолати ўз кучида қолади.

XVII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

49. Шартноманинг шартларини бажариш пайтида Томонлар ўртасида юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

50. Агар тарафлар келишувига эришишининг иложи бўлмаса, Томонлар ўртасида келиб чиқадиган низолар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

XVIII. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИШЧИ КУЧНИИ ЖАЛБ ҚИЛИШ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ШАРТЛАР

51. Ишчиларни жалб қилиш ва меҳнатдан фойдаланиш Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилигига мувофиқ ва давлат шериклари билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

XIX. ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ

52. Давлат шеригида, агар керак бўлса, хусусий шерик билан тузилган шартнома асосида хусусий шерик томонидан имтиёзли (ёки бепул) миқдорда мажбурий даволанишга мажбур бўлган имтиёзли тоифадаги ва ижтимоий ёрдамга муҳтож шахслар сонини кўпайтириш нуқтаи назаридан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги шартномани ўзгартириш ҳуқуқи мавжуд.

XX. ТАРАФЛАРНИНГ СУҒУРТА МАЖБУРИЯТЛАРИ

53. Хусусий шерик ўз маблағлари ҳисобидан, қурилиш даврида ва эксплуатация даврида, амалдаги миллий қонунчиликка ва мавжуд саноат ёки халқаро амалиётга мувофиқ суғурта қилишни таъминлаши керак.

XXI. ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ШАРТНОМАСИ БЎЙИЧА МУСТАҚИЛ АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИНИ ЎТКАЗИШ

54. Хусусий шерик ушбу Шартномага, миллий қонунчиликка ёки халқаро стандартларга мувофиқ барча тушумлар, даромадлар, харажатлар, тўловлар, активлар ва мажбуриятларни акс эттирадиган бухгалтерия китобларини юритади.

55. Хусусий шерик бухгалтерия баланси, пул оқими ва даромадлар тўғрисидаги ҳисоботнинг нусхаларини ва мустақил аудиторларнинг

ҳисоботини аудиторлик текшируви тугаганидан кейин 15 кун ичида, лекин аудиторлик текшируви тегишли бўлган молия йили тугаганидан кейин 30 кундан кечиктирмай тақдим этиши шарт.

Бундай ҳисобот Томонларнинг ушбу Шартномага мувофиқ ўзаро тўловлари учун асосдир.

XXII. ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ЛОЙИҲАСИНИ АМАЛГА ОШИРИЛИШИНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

56. Хусусий шерик мониторинг ўтказиш учун давлат-хусусий шериклиги объектларига ва тегишли ҳужжатларга киришни таъминлаши шарт.

57. Давлат шериги ҳар 3 ойда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган шаклга мувофиқ давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг амалга оширилишини давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги шартнома шартларининг бажарилишини назорат қилади.

58. Давлат шериги хусусий шерикнинг молиявий-ҳўжалик фаолиятига аралашмасдан, кўрсатилаётган хизматлар сифатига риоя этилишини назорат қилиб боради.

XXII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ АСОСЛАРИ

59. Шартнома қуйидаги асосларга кўра бекор қилиниши мумкин:

муддати тугагандан сўнг;

томонларнинг келишуви билан;

уни муддатидан олдин тугатиш тўғрисидаги суд қарори асосида

60. Ушбу Шартнома Тарафлардан бирининг илтимосига биноан ушбу Шартноманинг шартларини бошқа Тараф томонидан сезиларли даражада бузилганлиги, Томонлар уни тузиш пайтида юзага келган вазиятларда жиддий ўзгаришлар юз берган тақдирда, шунингдек қонунда назарда тутилган бошқа асосларда суд қарорига асосан муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин.

61. Хусусий шерик томонидан ушбу Шартнома талабларининг жиддий бузилишларига қуйидагилар киради:

ушбу Шартноманинг тегишли бандларида белгиланган муддатларнинг тақвимий кундан ортиқ муддат давомида бузилиши;

тақдим этилган, Ўзбекистон Республикасининг давлат мулкида бўлган мол-мулкни ушбу Шартномада белгиланмаган мақсадларда ишлатиш ва улардан фойдаланиш;

ушбу Шартномада белгиланган Ўзбекистон Республикасининг давлат мулкида бўлган мол-мулкка эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш тартибини бузиш.

62. Давлат шериги томонидан ушбу Шартнома шартларининг жиддий бузилишларига давлат шериги томонидан ушбу Шартноманинг тегишли бандларида белгиланган мажбуриятларнинг бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилиши киради.

63. Шартнома муддатидан олдин бекор қилинганида, Давлат шериги ушбу Шартномада белгиланган қоидаларга мувофиқ жарима (шартномани муддатидан олдин бекор қилиш учун тўловлар) тўлаши мумкин.

XXIV. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

64. Ушбу Шартнома Томонлар имзолаган кундан эътиборан кучга киради

ва "02" декабр 2035- йилгача амал қилади.

65.Муддат:

(яратиш, реконструкция қилиш, эксплуатация қилиш - талаб этилишини кўрсатиш) Шартнома объекти - "03" декабр 2025- йил.

66. Шартнома объектини фойдаланишга топшириш муддати "5" январ 2026- йил.

67. Шартнома объектининг хусусий шериги томонидан фойдаланиш (ишлаш) муддати "05" январ 2026 йилдан "04" январ 2036 йилгача.

68. Шартнома объектини хусусий шерик томонидан Ўзбекистон Республикасининг мулкига ўтказиш муддати "_05_"Январ 2036 йил.

XXV. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

69. Тарафларнинг молиявий ҳолати тўғрисидаги маълумотлар махфий саналади ва тарафларнинг ёзма рухсатисиз ошкор қилинмайди.

70. Шартномадаги барча ўзгаришлар ва қўшимчалар қўшимча шартномалар тузиш орқали ёзма равишда амалга оширилади.

71. Шартнома икки нусхада тузилади ва имзоланади ҳамда тарафларнинг ҳар бири учун тенг ҳуқуқий кучга эга.

72. Шартномага қўшимчалар ва қўшимча битимлар унинг ажралмас қисми саналади.

**ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА
РЕКВИЗИТЛАРИ**

Давлат шериги:

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Юридик манзил: _____

Ҳисоб-китоб рақами:

банк коди:

STIR _____,
телефон _____

(ваколатли шахс Ф.И.Ш. ва имзоси)

Муҳр ўрни

Хусусий шерик:

“Альянс” МЧЖ

Юридик манзил: _____

Ҳисоб-китоб рақами:

банк коди:

STIR _____,
телефон _____

(ваколатли шахс Ф.И.Ш. ва имзоси)

Муҳр ўрни